

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҒОЗИБЕКОВ ЖАМШИД ИСАНБАЕВИЧ**

**БУҚОҚНИНГ ТОКСИК ШАКЛИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ХИРУРГИК  
ДАВОНИ КЛИНИК-МОРФОЛОГИК АСОСЛАШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)**

**Ғозибеков Жамшид Исанбаевич**

Буқоқнинг токсик шакли бўлган беморларда хирургик давони  
клиник-морфологик асослаш..... 3

**Ғозибеков Жамшид Исанбаевич**

Клинико-морфологическое обоснование хирургического лечения  
больных с токсическими формами зоба..... 25

**Gozibekov Jamshid Isanbaevich**

Clinical and morphological substantiation of surgical treatment of patients  
with toxic forms of goiter ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҒОЗИБЕКОВ ЖАМШИД ИСАНБАЕВИЧ**

**БУҚОҚНИНГ ТОКСИК ШАКЛИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ХИРУРГИК  
ДАВОНИ КЛИНИК-МОРФОЛОГИК АСОСЛАШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2024**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2021.2.PhD/Tib1969 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Курбаниязов Зафаржон**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Эшонходжаев Отабек Джўраевич**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ураков Шухрат Тухтаевич**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Саратов давлат медицина университети**

**(Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2024 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: [sammu@sammu.uz](mailto:sammu@sammu.uz))

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75;

Диссертация автореферати 2024-йил «\_\_» \_\_\_\_\_ юборилган

(тарқатиш баённомаси реестри, 2024-йил «\_\_» \_\_\_\_\_ -сон)

**Н.Н. Абдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**К.В. Шмырина**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD)

**С.Э. Мамараджабов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси ўринбосари,  
тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра «дунёда қалқонсимон без патологияси билан 750 миллиондан ортиқ одам касалланган, қалқонсимон без (ҚБ) касалликлари орасида диффуз токсик буқоқ (ДТБ) ва аралаш токсик буқоқли (АТБ) беморлар биринчи ўринни эгаллайди»<sup>1</sup>. Касаллар сонининг пасайиш тенденцияси йўқлиги ва касалланиш даражаси 100 000 аҳолига 1,2 дан 9,0 тагача ўзгариб турадиган эндемик худудлар мавжудлиги сабабли, жумладан, Ўзбекистонда ҳам, қалқонсимон без касалликлари йод танқислиги билан кўп йиллик курашларга қарамасдан, жиддий тиббий ва ижтимоий муаммо бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда ноинвазив текшириш усулларининг пайдо бўлиши туфайли буқоқнинг токсик шакллариغا диагноз қўйиш сезиларли қийинчиликларни келтириб чиқармайди, шунингдек уларни комплекс қўлланилишининг маълумотлилиги 95-100% га етади<sup>2</sup>. Шу билан бирга, эҳтиёткорликнинг етишмаслиги кеч диагноз қўйишга ва ўз навбатида касалликнинг асоратланган шаклларини кўпайишига олиб келади. Буқоқнинг токсик шаклларини даволаш хирургиянинг мураккаб муаммосидир. Қалқонсимон бездан турли хил усулларда тугунларини олиб ташлаш операцияси ва струмэктомия энг кенг тарқалган усуллардан бўлиб, у буқоқнинг токсик шаклларининг кўпгина (90,6%) ҳолларида амалга оширилади. «Аммо операциядан кейинги асоратларнинг ошиши, операциядан кейинги тиреотоксикознинг қайталаниши (15-44%) ва операциядан кейинги гипотиреоз (25-63%) каби асоратлар бу кенг тарқалган жарроҳлик усулининг самарадорлиги ва ишончлилигининг етишмаслигидан гувоҳлик беради»<sup>3</sup>. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ушбу касалликнинг олдини олиш ва даволашнинг маълум усулларини такомиллаштириш ва янги самарали чораларини ишлаб чиқиш зарурлиги аён бўлади.

Жаҳон амалиётида, касалликнинг оғирлик даражасига кўра кичик касалликлардан тортиб то қалқонсимон без ракигача (ҚБР) коллоид буқоқнинг қалқонсимон бездаги морфо-функционал ўзгаришларга таъсирини ўрганишга, касалликнинг оғирлигини баҳолашга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. ҚБ нинг сақлаб қолинган тўқималарининг морфофункционал ҳолати ва ҳажмини баҳолаш масалалари алоҳида аҳамиятга эга. Жарроҳлар томонидан рецидив токсик буқоқ ривожланишининг олдини олиш, қалқонсимон безни операция қилиш тамойиллари нуқтаи назаридан кўриб чиқилади, уларнинг асосий вазифаси ҚБ қолдиқ тўқимаси функциясини сақлаб, жарроҳлик аралашуви усулини танлашдир. Шу билан бирга, баъзи муаллифлар қалқонсимон безни олиб ташлашнинг субфациал усулини таклиф

<sup>1</sup> Carle, A., Andersen, S.L., Boelaert, K. & Laurberg P. Management of endocrine disease: subclinical thyrotoxicosis: prevalence, causes and choice of therapy. Eur. J. Endocrinol. 176, R325–R337 (2017).

<sup>2</sup> Беляков И.Е. и др. Комплексная оценка при узловых патологиях щитовидной железы //Здоровье и образование в XXI веке. – 2017. – Т. 19. – №. 8.

<sup>3</sup> Reinisch A, Malkomes P, Habbe N, et al. Guideline compliance in surgery for thyroid nodules—a retrospective study. Exp Clin Endocrinol Diabetes. 2017;125:327–334.

қилиб, операциядан кейинги асоратларнинг камайиши билан ўз фикрларини тасдиқлашади, бошқалари экстрафациал операцияни таклиф қилиб, бу рецидивланишнинг олдини олиш усули сифатида тавсия қиладилар<sup>4</sup>.

Мамалакатимизда Соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига кўрсатилаётган эндокринологик ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва кўламини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг қамровли мақсадли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ушбу йўналишда, хусусан, буқоқнинг токсик шаклларини хирургик даволаш сифатини яхшилашда ижобий натижаларга эришилди. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланиши стратегиясида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2026 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини тадбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш...» каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони<sup>5</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>6</sup>, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Фуқаролар саломатлигини таъминлашда доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари<sup>7</sup>, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кўп йиллар давомида буқоқнинг токсик шакллари бўйича бажарилган операциялар ҳажми зарарланган бўлакни резекциясидан то тиреоидэктомиягача ўзгариши мумкин (Wolinski K., 2014). Адабиётларга кўра, рецидив токсик буқоқли беморларнинг 96,8 фоизида бирламчи операция орган сақловчи операция эди, шу билан бирга кўп тугунли буқоқ бўлган беморларда энг кўп рецидивланиш кузатилади (Ванушко В.Э., 2012). Буқоқнинг токсик шаклларининг рецидивланишида оператив аралашувлар техник жиҳатдан мураккаб бўлиб, кўп ва кўп марта

<sup>4</sup> Волков Ю.В. Модернизация хирургической тактики при узловых формах зоба / Ю.В. Волков, М.Ф. Заривчацкий, С. А. Блинов, С. А. Денисов // Перм. мед. журн. - 2013. - Т.30, № 2. - С. 6-9.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори билан тасдиқланган. Қонун ҳужжатлари тўплами.

<sup>7</sup> 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Фуқаролар саломатлигини таъминлашда доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари. Қонун ҳужжатлари тўплами.

(икки ва ундан ортиқ) рецидивланиш жарроҳлик аралашувининг ҳажми ва характери билан боғлиқ тактик ва техник муаммолар пайдо қилади.

Замонавий адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, буқоқнинг токсик шакллари даволашда бир неча йўналишлар мавжуд. “Бироқ, кундалик амалиётда энг мақбул йўналиш бу буқоқнинг токсик шакллари учун қалқонсимон безга очиқ усулдаги жарроҳлик аралашувидир” (Макаров И.В., 2016). Замонавий таснифлаш позицияларини ҳисобга олган ҳолда ягона диагностик алгоритмнинг йўқлиги етакчи мезонларни баҳолашга ва жарроҳлик аралашувнинг оқилона вариантини асослаб танлашга имкон бермайди. Ҳозирги кунга қадар қалқонсимон безга очиқ усулда киришни амалга оширишда, аксарият ҳолларда, Кохернинг ёқасимон кесмаси қўлланилади. Ушбу кириш усули кенг операцион майдонни яратишни таъминлайди, аммо бу жуда травматик бўлиб косметик жиҳатдан кам натижа беради. Сўнги 10-15 йил ичида бўйин олд юзасига, аксилляр, кўкрак олди, параареоляр, орқа мия, трансорал линиялар орқали, миниинвазив робот ёрдамида турли хил вариантларда кириш йўллари мавжуд (Anuwong A., 2018). Жарроҳлик ёндашуви турларини танлаш билан боғлиқ масалалар адабиёт ва илмий форумларда доимий равишда муҳокама қилинади. Ушбу аралашувларни қўллаш бўйича умумэътироф этилган ва тасдиқланган тавсиялар ҳали ҳам мавжуд эмас ва уларга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар баҳс-мунозара бўлиб қолмоқда (Duke W.S., 2015). Шундай қилиб, жарроҳлик аралашувнинг мақбул усулини танлаш масаласини ҳал қилиш ва уни амалга ошириш усули долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда буқоқнинг токсик шакллариининг диагностикаси ва даволаш тактикаси замонавий соғлиқни сақлашнинг долзарб ва охиригача ҳал қилинмаган муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан, операциядан олдинги босқичда тугун тузилишининг хусусиятларини баҳолашга имкон берадиган маълумотлар ва морфологик текширишларнинг хулосасига қараб буқоқнинг токсик шаклларида радикал жарроҳлик аралашуви мезонларини қайта кўриб чиқиш зарурати мавжуд ва касалликнинг тиреотоксик белгиларини аниқлаш ҳамда ҳар бир ҳолатда хирургик даволашнинг муайян тактикасини танлаш мақсадида диагностик алгоритмининг такомиллаштириш лозим.

**Диссертация тадқиқотлари диссертация бажарилган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг “Буқоқнинг токсик шакллари билан беморларни ташхислаш ва жарроҳлик даволашнинг такомиллаштирилган усулларини ишлаб чиқиш” (2017-2021) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** жарроҳлик ҳажмини танлашда ёндашуви ва операциядан кейинги асоратларни камайтиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш орқали буқоқнинг токсик шакллари бўлган беморларни даволаш сифатини яхшилашдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

тиреотоксикоз оғир даражаси билан тиреостатиклар таъсирида бартараф этилмаган беморларни операциядан олдин тайёрлашда дискрет плазмаферез самарадорлигини баҳолаш;

қалқонсимон безнинг цитоморфологик тузилишини ҳисобга олган ҳолда токсик буқоқнинг диагностик ва даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш;

буқоқнинг токсик шаклларида струмэктомия бажаришнинг техник жиҳатларини такомиллаштириш;

буқоқнинг токсик шакллари рецидивланишининг олдини олишда жарроҳлик йули билан даволашда таклиф этилаётган дифференциал ёндашувнинг самарадорлигини баҳолаш ва операция килинган беморларда ҳаёт сифатини таҳлилини ўтказиш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2012 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда СамДТУ кўп тармоқли клиникасининг жарроҳлик бўлимида операция килинган буқоқнинг токсик шакллари бўлган 112 бемор олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** буқоқнинг токсик шакллари билан 112 нафар беморнинг комплекс текшириш (ТТГ, Т<sub>3</sub>, Т<sub>4</sub> қалқонсимон без гормонларини аниқлаш ва без тўқимасидан морфологик текшириш учун биопсия олиш ҳамда дискрет плазмаферездан фойдаланиш) ва жарроҳлик даволаш натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник бўйин соҳасини текшириш, қалқонсимон безни палпация қилиш ва умумий клиник лаборатория тадқиқотлари; - эндокринологик текшириш; - фонация бузилганда тақдирда оториноларинголог кўриги; - инструментал (ультратовуш, рентген); - морфологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

буқоқнинг токсик шакллари билан, шунингдек, тиреостатиклар мумкин бўлмаган беморларни операциядан олдинги тайёрлашда дискрет плазмаферезнинг, яъни плазмани натрий гипохлорит билан билвосита электрокимёвий кислород ёрдамида кўшимча озонлаш ва кейинчалик детоксикацияланган плазмани қайта қуйиш орқали юқори самарадорлиги исботланган;

токсик буқоқнинг қайталаниши қалқонсимон безнинг цитоморфологик шаклига ва бажарилган жарроҳлик аралашувининг ҳажмига боғлиқлиги исботланган;

қалқонсимон безнинг қолдиқ ҳажмини аниқлаш ва ўлчамларини ҳисоблаш, операцияни бажариш техникасини соддалаштириш ва интраоперацион асоратлар хавфини камайтириш имконини берадиган струмэктомиянинг техник жиҳатлари такомиллаштирилган.

операциядан кейинги эрта даврда асоратларни, узоқ даврда токсик буқоқнинг қайталаниш частотасини камайтириш ҳисобига буқоқнинг токсик шакллари бўлган беморларда хирургик даволаш усулини танлаш орқали тавсия этилган дифференциал ёндашувнинг самарадорлиги исботланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат: буқоқнинг токсик шакллари бўлган беморларни операциядан олдин тайёрлашда кўшимча озонлаш билан натрий гипохлорит билвосита электрокимёвий плазма оксигенацияси ва кейинчалик детоксикацияланган плазмани қайта куйиш билан биргаликда дискрет плазмаферездан фойдаланиш усули тавсия этилган;

клиник омилларни балли баҳолаш асосида буқоқнинг токсик шакллари бўлган беморларни жарроҳлик даволаш усулини танлаш алгоритми таклиф қилинган;

қалқонсимон безга янада тўлиқ ишлов беришда ёрдам берадиган, операцияни техник усулларни бажаришни осонлаштирадиган ва операция давомийлигини қисқартирадиган тавсия қилинган асбоб - жароҳат кенгайтиргични қўллаш ёрдамида тиреоидэктомия босқичлари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда кўриб чиқилган муаммоларни ҳал қилиш усуллари буқоқнинг токсик шакллари бўлган беморларни ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашда замонавий илмий-амалий тушунча ва ёндашувларга асосланганлиги билан ажралиб туради. Ишдаги хулосалар математик статистиканинг замонавий усуллари, масалан, Стюдент мезонлари ва ишонч оралиқлари ва ишонч эҳтимолликларини ҳисоблаш билан вариацион таҳлил ёрдамида қайта ишланган натижалар асосида амалга оширилади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва таклифлар ўзларининг назарий аҳамиятига эга бўлиб, улар буқоқнинг токсик шакллари бўлган беморларни даволашда замонавий ёндашувларни ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшади. Дориларнинг кўтара олмаслик билан асоратланган буқоқнинг токсик шакллари бўлган беморларни операциядан олдин тайёрлашда дискрет плазмаферезнинг юқори самарадорлиги натрий гипохлорит билан билвосита электрокимёвий плазма оксигенацияси билан биргаликда кўшимча озонлаш ва кейинчалик детоксикацияланган плазмани реинфузия қилиш ёрдамида исботланган. Токсик буқоқнинг қайталаниши қалқонсимон безнинг морфологик шаклига, бажарилган жарроҳлик аралашув ҳажмига боғлиқлиги исботланган. Буқоқнинг токсик шакллари бўлган беморларни операциядан кейинги эрта даврда асоратларнинг камайиши, узоқ даврда токсик буқоқнинг қайталаниш частотаси, хирургик даволашни танлашда таклиф қилинган дифференциал ёндашувнинг самарадорлиги исботланган. Таклиф этилаётган жарроҳлик асбоби ёрдамида струмэктомиyani ўтказиш усуллари такомиллаштирилди, бу операцияни бажариш техникасини содалаштириш ва қалқонсимон без қолдиқ ҳажмини ва ўлчамларини ҳисоблаш, шунингдек, интраоперацион асоратлар хавфи даражасини камайтириш имконини беради.

Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, ишдаги асосий хулосалар ва тавсиялар турли даражадаги тиббий муассасаларда буқоқнинг токсик

шакллари бўлган беморларни ташхислаш ва даволашда ишлатилиши мумкин. Буқоқнинг токсик шакллари бўлган беморларни даволаш натижаларининг омил таҳлили шуни кўрсатдики 9,7% да рецидив ривожланишининг сабаби қалқонсимон без тўқималарида пролифератив ўзгаришлар билан токсик буқоқда органсаклаш операцияси эди. Касалликнинг клиник кечишини баҳолаш ёрдамида даволаш тактикасини танлаш учун таклиф қилинган алгоритмнинг самарадорлиги исботланган. Ингичка игнали аспирацион биопсия (ИИАБ) ёки экспресс-биопсия хулосасига кўра ҚБ ҳажмини аниқлаган ҳолда олиб ташлаш, буқоқнинг токсик шакллари жарроҳлик даволаш тактикасини танлаш учун ишлаб чиқилган алгоритм операциядан кейинги эрта асоратлар частотасини 15,4% дан 6,7% гача ва операциядан кейинги кечги даврда қонқарсиз натижаларни 23,1% дан 6,7% гача камайтириш орқали кўрсатиладиган ёрдам сифатини яхшилашга имкон берди. Струмэктомияда тавсия этилган жарроҳлик асбоби операциянинг техник усулларини такомиллаштириш, операцияни бажариш техникасини соддалаштириш, қалқонсимон без қолдиқ ҳажмини аниқлаш ва ҳисоблаш, интраоперацион асоратлар хавфи даражасини камайтириш, операция давомийлигини қисқартириш – ушбу жароҳат кенгайтиргич ёрдамида  $92,7 \pm 4,8$  дан  $63,4 \pm 3,6$  дақиқাগача қисқартириш имконини берди ( $p < 0.001$ ).

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши:** Самарқанд давлат тиббиёт университети эксперт кенгашининг 2024 йил 15-январь 2-сон хулосасига кўра илмий янгиликнинг моҳияти: буқоқнинг токсик шакллари билан, шунингдек, тиреостатиклар мумкин бўлмаган беморларни операциядан олдинтайёрлашда дискрет плазмаферезнинг, яъни плазмани натрий гипохлорит билан билвосита электрокимёвий кислород ёрдамида қўшимча озонлаш ва кейинчалик детоксикацияланган плазмани қайта қуйиш орқали юқори самарадорлиги исботланган;

Илмий янгиликнинг аҳамияти: буқоқнинг токсик шакллари бўлган беморларни операциядан олдин тайёрлашда қўшимча озонлаш билан натрий гипохлорит билвосита электрокимёвий плазма оксигенацияси ва кейинчалик детоксикацияланган плазмани қайта қуйиш билан биргаликда дискрет плазмаферездан фойдаланиш усули тавсия этилган (Ўзбекистон республикаси адлия вазирлиги ҳузиридаги “интеллектуал мулк маркази” №FAP 20230244 08.01.2024 йилдаги ихтирога патенти).

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: қалқонсимон без патологияси бўлган беморларни ташхис қилиш ва жарроҳлик даволаш сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлашнинг амалий фаолиятига, хусусан, СамДТУ 1-клиникасида 14.06.2021 й. №80а ва 14.06.2021 й. №80б сонли буйруғи ва Академик Й.Х. Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий амалий тиббиёт маркази Сурхондарё вилоят филиалида 30.11.2021 й. №50-б ҳамда 30.11.2021 й. №52-т сонли буйруғи асосида хирургия бўлимлари амалиётга тадбиқ этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: тиреостатик дориларни кўтара олмаслик билан асоратланган буқоқнинг токсик шакллари бўлган беморларни операциядан олдин тайёрлашда плазмаферез натрий гипохлорит билвосита электрокимёвий оксигенацияси билан кўшимча озонлаш натижасида операциядан кейинги даврда тиреотоксик криз асорати кузатилмади. Ўз навбатида консерватив тайёрланган беморларда бу асорат 4 ҳолатда кузатилди. Натижада беморларни операцияга тайёрлаш муддатини таққослаш гуруҳида 12 ойгача асосий гуруҳдагиларни эса 1 ойгача қисқартиришга эришилди.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: буқоқнинг токсик шакллари билан беморларнинг стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 4 587 900 сўм (Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси прејскурантига кўра). Бу сумма ичига беморларнинг барча лаборатор-инструментал текширишлари, хирургия ва реанимация бўлимларидаги 6 кунлик ўрин кунлари, дори-дармон ва операцияга кетган харажатлар киради. Агарда беморларда операциядан кейинги даврда кутилиши мумкин бўлган асоратлар кузатилса, даволанишга яна 1 231 000 сўм сарфланиши мумкин. Беморлар юқоридаги тавсия қилинган усулда операцияга тайёрланса, специфик асоратлар 4 баробар кам учрашини ҳисобга олсак, йиллик иқтисодий кўрсаткич 29 544 000 сўмни ташкил этади (Плазмаферез билан билвосита электрокимёвий оксигенациядан кейин 24 нафар бемор учун).

Хулоса: буқоқнинг токсик шакллари билан беморларда тавсия қилинган усулда операцияга тайёрлаш усули қўлланиши амалиётга жорий қилиниши 1 йилда 29 544 000 сўмни иқтисод қилиш имконини беради, шундан 8 863 200 сўм бюджет маблағлари, 20 680 800 сўм бюджетдан ташқари маблағлар.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Буқоқнинг токсик шакли бўлган беморларда хирургик давони клиник-морфологик асослаш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ проректори томонидан 2024 йил 11 январдаги №253-сонли хати юборилган.

илмий янгиликнинг моҳияти: токсик буқоқнинг қайталаниши қалқонсимон безнинг цитоморфологик шаклига ва бажарилган жарроҳлик аралашувининг ҳажмига боғлиқлиги исботланган;

илмий янгиликнинг аҳамияти: буқоқнинг токсик шакллари бўлган беморларда қалқонсимон безнинг цитоморфологик шакллари ўрганиш натижасида бажарилган жарроҳлик аралашувнинг ҳажми такомиллаштирилди ва операциядан кейинги рецидивлар сонини камайтирди.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: қалқонсимон без патологияси бўлган беморларни ташхис қилиш ва жарроҳлик даволаш сифатини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлашнинг амалий фаолиятига, хусусан, СамДТУ 1-клиникасида 14.06.2021 й. №80а ва 14.06.2021 й. №80б сонли буйруғи ва Академик Й.Х. Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий амалий

тиббиёт маркази Сурхондарё вилоят филиалида 30.11.2021 й. №50-б ҳамда 30.11.2021 й. №52-т сонли буйруғи асосида хирургия бўлимлари амалиётига тадбиқ этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: токсик буқоқнинг қайталаниши ривожланишининг қалқонсимон безни патоморфологик шаклига, аутоиммун жараённинг фаоллик даражасига, касалликнинг давомийлигига ва операция ҳажмига боғлиқлиги исботланган. Шунинг учун тавсия қилинган усулда юқоридаги беморларни операцияга

тайёрлаш ва операция жараёнининг такомиллаштириш мезонлари ишлаб чиқилиши натижасида тиреотоксикознинг қайталаниши асосий гуруҳда(1,2%) таққослаш гуруҳига (10,9%) нисбатан 9 марта кам учраганлиги исботланди (мезон  $\chi^2= 4.692$ ; Df =1; p=0,031).

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: Буқоқнинг токсик шакллари билан беморларнинг стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 4 587 900 сўм (Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси прејскурантига кўра). Агарда беморларда операциядан кейинги даврда кузатилиши мумкин бўлган қайталанишлар 9 марта камайганлигини ҳисобга олсак, йиллик иқтисодий кўрсаткич 41 291 100 сўмни ташкил этади (тўққиз нафар бемор учун).

Хулоса: буқоқнинг токсик шакллари билан беморларда тавсия қилинган усулда операцияга тайёрлаш усули қўлланиши амалиётга жорий қилиниши 1 йилда 41 291 100 сўмни иқтисод қилиш имконини беради, шундан 12 387 330 сўм бюджет маблағлари, 28 903 770 сўм бюджетдан ташқари маблағлар.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Буқоқнинг токсик шакли бўлган беморларда хирургик давони клиник-морфологик асослаш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ проректори томонидан 2024 йил 11 январдаги №253-сонли хати юборилган;

илмий янгиликнинг моҳияти: қалқонсимон безнинг қолдиқ ҳажмини аниқлаш ва ўлчамларини ҳисоблаш, операцияни бажариш техникасини соддалаштириш ва интраоперацион асоратлар хавфини камайтириш имконини берадиган струмэктомиянинг техник жиҳатлари такомиллаштирилган;

илмий янгиликнинг аҳамияти: струмэктомияда тавсия этилган жарроҳлик асбоби ёрдамида операциянинг техник усуллари такомиллаштирилди, операцияни бажариш техникаси соддалаштирилди ва қулайлаштирилди, қалқонсимон без қолдиқ ҳажмини аниқлаш ва ҳисоблаш натижасида интраоперацион асоратлар хавф даражаси камайтирилишига ва операция давомийлигини қисқартиришга эришилди (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлиги №FAP 20210299 24.11.2021 йилдаги ихтирога патенти қарори).

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: қалқонсимон без патологияси бўлган беморларни ташхис қилиш ва жарроҳлик даволаш сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлашнинг

амалий фаолиятига, хусусан, СамДТУ 1-клиникасида 14.06.2021 й. №80а ва 14.06.2021 й. №80б сонли буйруғи ва Академик Й.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий амалий тиббиёт маркази Сурхондарё вилоят филиалида 30.11.2021 й. №50-б ҳамда 30.11.2021 й. №52-т сонли буйруғи асосида хирургия бўлимлари амалиётига тадбиқ этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: струмэктомияда тавсия этилган жарроҳлик асбоби операциянинг техник усулларини такомиллаштириш, операцияни бажариш техникасини соддалаштириш, қалқонсимон без қолдиқ ҳажмини аниқлаш ва ҳисоблаш

шунингдек интраоперацион асоратлар хавфи даражасини камайтиради. Натижада операциянинг давомийлик муддати  $92,7 \pm 4,8$  то  $63,4 \pm 3,6$  дақиқагача қисқартиришга эришилди ( $p < 0.001$ ).  $29,3 \pm 0,5$  дақиқагача қисқартиришга эришилди ( $p < 0.001$ ).

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: буқоқнинг токсик шакллари билан беморларга бажариладиган тиреоидэктомия операцияси учун одатда умумий ўртача 1 974 600 сўм сарфланади (Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси прејскурантига кўра). Агарда беморларда тавсия қилинган усуллар ёрдамида операциянинг давомийлик муддати 2,5 баробарга камайганлигини ҳисобга олсак, йиллик иқтисодий кўрсаткич 4 936 500 сўмни ташкил этади (беш нафар бемор учун).

Хулоса: буқоқнинг токсик шакллари билан беморларда тавсия қилинган усулда операцияга тайёрлаш усули қўлланиши амалиётга жорий қилиниши 1 йилда 4 936 500 сўмни иқтисод қилиш имконини беради, шундан 1 480 950 сўм бюджет маблағлари, 3 455 550 сўм бюджетдан ташқари маблағлар.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Буқоқнинг токсик шакли бўлган беморларда хирургик давони клиник-морфологик асослаш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ проректори томонидан 2024 йил 11 январдаги №253-сонли хати юборилган.

илмий янгиликнинг моҳияти: операциядан кейинги эрта даврда асоратларни, узоқ даврда токсик буқоқнинг қайталаниш частотасини камайтириш ҳисобига буқоқнинг токсик шакллари бўлган беморларда хирургик даволаш усулини танлаш орқали тавсия этилган дифференциал ёндашувнинг самарадорлиги исботланган;

илмий янгиликнинг аҳамияти: буқоқнинг токсик шакли бўлган беморларда хирургик давони клиник-морфологик асослашга таянган тавсия этилган даволаш-диагностика алгоритми даволаш натижаларини сезиларли даражада яхшилашга имкон берди.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: қалқонсимон без патологияси бўлган беморларни ташхис қилиш ва жарроҳлик даволаш сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлашнинг амалий фаолиятига, хусусан, СамДТУ 1-клиникасида 14.06.2021 й. №80а ва

14.06.2021 й. №80б сонли буйруғи ва Академик Й.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий амалий тиббиёт маркази Сурхондарё вилоят филиалида 30.11.2021 й. №50-б ҳамда 30.11.2021 й. №52-т сонли буйруғи асосида хирургия бўлимлари амалиётига тадбиқ этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: қалқонсимон без ҳажмини аниқлаган ҳолда олиб ташлаш, буқоқнинг токсик шаклларини жарроҳлик даволаш тактикасини танлаш учун ишлаб чиқилган алгоритм операциядан кейинги эрта асоратлар частотасини 15,4% дан 6,7% гача (2,5 баробар) ва операциядан кейинги кечги даврда қониқарсиз натижаларни 23,1% дан 6,7% гача (3,5 баробар) камайтириш орқали кўрсатиладиган ёрдам сифатини яхшилашга имкон берди.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: буқоқнинг токсик шакллари билан беморларнинг стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 4 587 900 сўм (Самарқанд Давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси преискурантига кўра). Агарда беморларда операциядан кейинги даврда кутилиши мумкин бўлган асоратлар кузатилса, даволанишга яна 1 231 000 сўм сарфланиши мумкин. Беморлар юқоридаги тавсия қилинган дифференциал ёндашув натижасида хирургик даволаш усулларини танлаш орқали операциядан кейинги даврда кечки асоратларнинг 3,5 баробар камайганлигини ҳисобга олсак, йиллик иқтисодий кўрсаткич 4 308 500 сўмни ташкил этади.

Хулоса: Буқоқнинг токсик шакллари бўлган беморларни операцияга тайёрлашда тавсия этилган усулни жорий қилиниши 1 йилда ҳар бир бемор учун 4 308 500 сўмни иқтисод қилиш имконини беради, шундан 1 292 550 сўм бюджет маблағлари, 3 015 950 сўм бюджетдан ташқари маблағлар.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланилиши: «Буқоқнинг токсик шакли бўлган беморларда хирургик давони клиник-морфологик асослаш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ проректори томонидан 2024 йил 11 январдаги №253-сонли хати юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 9та илмий-амалий конференцияда шу жумладан, 5 та халқаро ва 4 та республика конференцияларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзусида бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тасдиқланган фалсафа доктори диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 2 таси хорижий жўрналарда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИ

**Кириш қисми** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва талабгорлиги, тадқиқот мақсади ва вазифаларига асосланган бўлиб, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган натижалари илмий ва амалий ахамияти очиқ берилган, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Токсик шаклдаги буқоқни хирургик даволашнинг замонавий аспекти**» деб номланган биринчи бобида буқоқнинг токсик шакллари муаммосининг моҳиятини, унинг этиопатогенезини, диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини, ушбу патология билан оғриган беморлар шунингдек, касалликни даволашдаги мавжуд муаммоларни очиқ берувчи адабиётлар шарҳини тақдим этади. Бобда муаммонинг ҳолати, буқоқнинг токсик шакллари таснифлаш масалалари, диффуз токсик буқоқни ташхислашнинг замонавий усуллари, қалқонсимон безнинг ҳажмли ҳосилалари тузилмаларини жарроҳлик йўли билан даволаш йўллари кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Фойдаланилган материаллар ва тадқиқот усулларининг клиник хусусиятлари**» номланган иккинчи бобида тадқиқот Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси хирургия бўлимида 2012-2021-йилларда буқоқнинг токсик шакли билан ётқизилган 112 нафар беморнинг даволаш натижалари асосида олиб борилган. Беморлар 2 гуруҳга ажратилган: 2012-2016 йилларда 52 (46,4%) нафар бемор операция қилиниб улар таққослаш гуруҳига киритилди. 2017 йилдан 2021 йиллардаги 60 (53,6%) нафар бемор эса назоратдаги асосий гуруҳга киритилган. 112 нафар беморнинг 102 нафарида (91,1%) буқоқнинг токсик шакли биринчи марта аниқланган ва 10 (8,9%) беморда токсик буқоқ қайталанган. Операциядан кейинги рецидив буқоқ 10 йилгача бўлган даврда аниқланган, асосан 7 (70,0%) беморда 5 йилгача ва 3 (30,0%) беморда 5 йилдан 10 йилгача бўлган даврда кузатилган. Буқоқнинг токсик шакли билан оғриган беморларда қалқонсимон безнинг катталашиш даражасининг ўлчами О.В. Николаев (1955) таснифи бўйича, ультратовуш ва пальпация текширувига асосланган ҳолда баҳоланди. Токсик буқоқ билан 43 (38,4%) нафар беморда II-III даражаси, 69 нафарида эса (61,6%) IV-V даражаси аниқланган. В.Г. Баранов (1956) таснифи бўйича тиреотоксикознинг оғирлик даражаси жисмоний мезонларга асосланиб баҳоланди Шу билан бирга, 35 (31,2%) беморда тиреотоксикознинг енгил даражаси, 52 нафарда (46,4%) ўртача, 25 (22,3%) беморда оғир даражаси аниқланган. Токсик буқоқнинг патоморфологик шаклига кўра диффуз токсик буқоқ 50 (44,6%) беморда, аралаш токсик буқоқ 39 (34,8%), токсик аденома - 13 (11,6%) ва 10 (8,9%) беморда рецидив токсик буқоқ қайд қилинган. Беморлар операцияга юборилишидан олдин узок вақт кузатилган ва консерватив даво олган. Буқоқнинг токсик шакллари бўлган беморлар учун консерватив терапия давомийлиги 1-жадвалда келтирилган.

**Буқоқнинг токсик шакли билан беморларни узоқ вақт консерватив даволашдан кейин беморларни операцияга йўналтиришнинг тақсимланиши**

Касаллик характериға кўра	Консерватив терапия давомийлиги бўйича					
	3-6 ой	7-12 ой	1-3 йил	4-6 йил	7-9 йил	Жами
	Беморлар сони					
Диффуз-токсик буқоқ	-	1	11	25	13	50
Аралаш токсик буқоқ	1	2	8	19	9	39
Токсик аденома	1	1	6	3	2	13
Рецидив токсик буқоқ	-	1	4	5	-	10
Жами	2 (1,8%)	5 (4,5%)	29 (25,9%)	52 (46,4%)	24 (21,4%)	112 (100%)

1 йилгача 7 (6,2%) беморда, 1 йилдан 3 йилгача - 29 (25,9%), 3 йилдан ортик - 76 (67,8%) беморда даволаш курси ўтказилди. Бўйиннинг қалқонсимон бездаги ўзгаришларининг табиатини аниқлаш учун биз инвазив ва инвазив бўлмаган тадқиқот усулларидан фойдаландик. 112 беморнинг барчасида ультратовуш текшируви бажарилди (1-расм). Қалқонсимон безда тугунли ҳосилалар бўлган 49 (43,7%) беморда ингичка игнали пункцион аспирацион биопсия усули ўтказилди. Қалқонсимон безнинг “НІТАСНІ W-450” компютер томографиясидан фойдаланган ҳолда 52 (46,4%) беморда ўтказилди (2-расм).



*1-расм. Бемор Т. 23 ёш. ҚБ ультратовуш текшируви. Қалқонсимон без чап бўлагининг тугунлари. Қалқонсимон без чап бўлагида ҳажми 20 см<sup>3</sup> гача бўлган тугунли ҳосилалар аниқланади.*



*2-расм. Бемор С. 40 ёш. ҚБ КТ. Кўптугунли буқоқ*

Қалқонсимон безнинг гормонал функциясини ўрганиш барча 112 беморда ўтказилди. Бунинг учун ТТГ, Т<sub>3</sub>, Т<sub>4</sub>, концентрацияси, тиреоглобулин боғловчи ва тиреоглобулинда антитело титри аниқланди.

Диссертациянинг «**Буқоқнинг токсик шакли бўлган беморларни струмэктомия операциядан олдинги тайёргарлик аспекти**» деб номланган учинчи бобида буқоқнинг токсик шакллари бўлган беморларни тайёрлашнинг мураккаблиги шундаки, 112 беморнинг 24 (21,4%) нафарида тиреотоксикоз хуружини ўтмаслиги ёки консерватив даволанишнинг асоратлари, узоқ муддатли консерватив давонинг самарасизлиги билан боғлиқ. Консерватив давонинг салбий натижалари бўлган 24 беморнинг 10 (41,7%) нафари таққослаш гуруҳидан, 14 (58,3%) нафари асосий гуруҳдан.

Таққослаш гуруҳидаги 10 нафар беморда медикаментоз терапиянинг салбий натижаларига қарамасдан, жарроҳлик ёндашуви ўтказилди. Операциядан олдинги тайёргарлик самарасизлиги сабабли, ДТБ билан касалланган беморларда 3 (5,8%) ҳолатда операция давомида оғир қон кетиш қайд этилган ва операциядан кейинги дастлабки даврда беморларнинг 4 (7,7%) нафарида ўртача ва оғир даражали тиреотоксик криз юзага келган.

Асосий гуруҳдаги тиреотоксикоз оғир даражаси бўлган беморларни консерватив даволаш қарши кўрсатма саналиб ушбу ҳолатда плазмаферез (ПФ) плазманинг билвосита электрокимёвий оксигенацияси (БЭКО) билан натрий гипохлорит ёрдамида қўшимча озонлаш ва кейинчалик детоксикацияланган плазмани қайта қуйиш мақсадга мувофиқ бўлади. (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан “Тиреотоксикозда организмни детоксикация қилиш усули” FAP 20230244 фойдали моделга патент бериш тўғрисида дастлабки қарор қабул қилинган).

Беморларда даволовчи плазмаферез ўтказишда жами 1200-1400 мл ҳажмда плазмаэкстракция қилинади. Эксфузияланган қон плазмаси белгиланган ҳажмдаги 0,9% NaCl эритмаси солинган асептик шароитда тозаланган стерил флаконларга йиғилади. Асептик қоидаларига риоя қилган ҳолда, эксфузия қилинган плазма солинган идишга 0,12% (1200 мг/л) натрий гипохлорит эритмаси шприц билан (натрий гипохлорит ЭДО-4 электрокимёвий қурилмасида натрий хлорид изотоник эритмасини оксидлаш орқали олинган) 10:1 нисбатда қўшимча (яъни 400 мл плазмага 40 мл NaClO қўшилган) қилинди. Олинган эритма идишда 2-3 дақиқа давомида чайқатилиб аралаштирилди ва натрий гипохлорит билан плазма эритмаси бўлган флакон орқали озон-кислородли газ аралашмаси озонатор клиник “Азия-р” ни ўрнатиш ёрдамида 10 дақиқа тўйинтирилди, сўнгра флакон уй совутгичига жойлаштирилди (6-8°C). 4 соатдан кейин 500 мл шиша флакондан плазмаэкстрактор ёрдамида ёки аспирация қилиш йўли билан (50-70 мл) чўкма олиб ташланди. Унинг етарли даражада детоксикациясига ишонч ҳосил қилиб (албуминнинг самарали концентрацияси 1,9 мартадан кўпроқ ошади), биз аутоплазмани кейинги

дастурлаштирилган плазмаферез сеансида плазма ўрнини босувчи восита сифатида қайта қуйиш имкониятлари тўғрисида қарор қабул қилдик. Ажратиб олинган плазмани детоксикация қилиш, уни қайта қуйиш имкониятини амалга ошириш мезонлари аниқланди (Н.М. Федоровский 2004).


Плазмаферезнинг самарадорлиги  $T_4$   $T_3$ ; ТТГ гормонларининг динамикасини ўрганиш орқали кузатилди;

Тиреотоксикознинг оғир шакли билан плазмаферез қабул қилган (14 бемор) беморлар гуруҳи, консерватив тайёрланган (10 бемор) беморларга нисбатан операциядан олдинги тайёргарлик самарадорлиги мезонлари операциядан олдин, операция пайтида ва ундан кейин қон босими, пулс кўрсаткичлари солиштирилди.

Биз АҚБ кўтарилиши ва юрак уришининг тезлашишини ҳар бир бемор учун индивидуал меъёр билан таққослаганда, ушбу касаллик туфайли келиб чиққан гипертония ва тахикардия хуружи деб ҳисобладик.


Биз «Буқоқнинг токсик шакллари билан оғриган беморларни операциядан олдин тайёрлаш учун балл тизимини шакллантирувчи дастур» натижалари асосида буқоқнинг токсик шакллари бўлган беморларни операциядан олдин тайёрлаш дастурини ишлаб чиқдик. Бунда операция жараёнига ва жарроҳлик аралашув натижаларига таъсир қилувчи асосий омиллар ҳисобга олинди.

Операциядан олдинги даврда беморларга тиреостатиклар тиамазол (мерказолил 5 мг ёки тирозол 5 мг) кунига 2 таблеткадан 3 маҳал буюрилган. Тахикардия β-адреноблокаторлар, асосан анаприлин 40 мг 2 таблеткадан кунига берилиб бартараф этилди. Белгиланган дори терапиясидан сўнг, бир ой ичида тиреоид ҳолат эутиреозгача, 2 ой ичида эса гипотиреозга бориб етди. Ушбу беморлар жами 9 балгача (60 нафардан 46 та) (76,7%) бўлган беморлар эди. Бир ой ўтгач муваффақиятли тиббий эутиреоз, операциядан олдин 15 кун давомида люголнинг 1% эритмаси 10 томчидан овқатдан кейин томизилди. Операциядан олдинги тайёргарликдан сўнг, ушбу беморлар ПФ ўтказилмаган ҳолда операция қилинди. Тиреотоксикознинг оғир даражаси ва 3 ойдан ортиқ муддатда консерватив даволанган эутиреоз самарасизлиги ёки тиреостатик препаратлар таъсирида ўтмаганда 9 (14-23,3%) баллдан юқори олган беморларга β-адреноблокаторлар ва Люголнинг 1% эритмаси 2 ҳафта давомида ва операциягача 6 сеанс плазмаферез қўшимча БЭКО қўшимча озонлаш билан натрий гипохлорит операциядан олдин буюрилган ва детоксикация қилинган плазмани қайта қуйиш билан биргаликда амалга оширилди. Буқоқнинг токсик шакллари бўлган беморларда даволаниш натижаларига таъсир қилувчи омилларни баҳолаш учун ишлаб чиқилган дастур операциядан олдинги тайёргарликнинг мақбул усулини танлашга имкон берди. Натижада беморларни операцияга тайёрлаш муддатини таққослаш гуруҳида 12 ойгача асосий гуруҳдагиларни эса 1 ойгача қисқартиришга эришилди (3-расм).




**3-расм.** Тадқиқот гуруҳларида операциядан олдинги тайёргарлик давомийлиги (ой ҳисобида)

Диссертация тўртинчи бобида «Буқоқнинг токсик шакллари бўлган беморларни хирургик даволашнинг морфологик асослари» келтирилган. Таққослаш гуруҳидаги 37 (71,1%) беморни жарроҳлик даволашнинг узок муддатли натижалари буқоқнинг токсик шакллари бўйича операция қилинган ва кузатилган. Кузатув муддати 2 йилдан 10 йилгача бўлган. Буқоқнинг қайталаниши 7 (18,9%) беморда, гипотиреоз - 1 (2,7%) беморда аниқланди. Операциядан кейинги узок муддатда қониқарсиз натижаларнинг максимал ўсиши 2 йилдан 5 йилгача бўлган кузатув вақтида қайд этилди. Таққослаш гуруҳидаги 52 бемордан 267 та микропрепарат ретроспектив тарзда ўрганилди.



**4- расм.** Қалқонсимон без препаратининг микрофотограммаси. Бемор С., 49 ёш (к/т № 7320/703). Эпителий пролиферацияси, сўргич шаклланиши (стерелка билан кўрсатилган). Гематоксилин ва эозин билан бўялган. 200 марта катталаштирилган.



**5- расм.** ҚБ препаратининг микрофотограммаси. Бемор Т., 52 ёш (к/т №10329/928). Кўп миқдорда суюқ коллоид бўлган йирик фолликулалар (стерелка билан кўрсатилган). Юмишган строма. Гематоксилин ва эозин билан бўялган. 100 марта катталаштирилган


